

## Бақара сураси, 64-оят

09:25 / 15.09.2017 2960

**Сўнгра, ўшандан кейин ҳам юз ўгирдингиз. Сизга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, албатта, зиён кўрганлардан бўлар эдингиз. Бақара 64.**

Яъни «Ўтган оятда зикр этилган ишлардан кейин аҳду паймонни унутиб, орқага қайтдингиз. Шунда ҳам Аллоҳ сизларга раҳм қилди, азобига олмади ва кўнгилларингизга тавба қилишни солиб, йўл кўрсатди. Акс ҳолда, ютқазганлардан – ҳалок бўлганлардан бўлар эдингиз».

Бундан кейин келадиган оятлар Бану Исроилга хиёнатларини, аҳдга вафо қилмасликларини ва бошқа кирдикорларини яна бир бор эслатади.